

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 22-iyun, shanba № 47 (15685)

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Navqiron avlod so'zi

Қаддимиз тик, ғуруримиз баланд!

Президентимиз Ислам Каримовнинг вилоятимизга ташрифи барча жиззахликлар каби мени ҳам бениҳоя мамнун қилган бўлса, у кишининг фермер ва тадбиркорлар, кенг жамоатчилик ва ёшлар билан учрашувларда айтган сўзлари ҳам тўлқинлангирди, ҳам мулоҳазаларга ундади.

Халқимизда, бир йигитга етмиш хунар оз, деган нақл бор. Унинг зоҳирий маъносига қарасак, йигит киши етмишта хунарни эгаллаши керак, деган хулоса чиқариш мумкин. Бироқ ҳикмат замиридаги асл маъно шуки, у йигитларни, умуман, одамзотни илм ва хунар, бинобарин, касб эгаллашга, ҳалол меҳнатга чорлаб туради. Шиддат билан кечаётган бугунги кунимизнинг ўзи биздан замонавий билимларни кунт билан ўрганиш, бир ёки икки касб билан чекланиб қолмай, замонга мос бир қанча хунар ва касбларнинг соҳиби бўлишимизни, Президентимиз таъбири билан айтганда, замон билан ҳамнафас яшашимизни талаб этаётгани бор гап.

Юртбошимизнинг фермерлар билан учрашувда айтган: «Бугунги кун фермери фақат пахта ёки ғалла етиштириш билан кифояланиб қолмасдан, маҳсулотни қайта ишлаш салоҳиятига эга тадбиркор ҳам бўлиши керак. Фермер, авваламбор, турли соҳалар бўйича, хусусан, замонавий технологиялардан хабардор, чуқур билимли, кенг дунёқарашга эга шахс бўлиши зарур. Ана шунда халқ ундан етарлича манфаат кўради, ўзи ҳам бой бўлади», деган сўзларидан бошқа касб эгалари қатори ёшлар билан ишлайдиган биз, «Камолот»чилар ҳам ўзимизга тегишли хулосалар чиқарамиз, албатта.

Мен шу тупроқ, шу замин фарзандиман, унинг меҳри билан ўсиб-ўлғайдим. Жамиятда ўз ўрнимга эга бўлдим. Юртимиз ёшларининг таянчи ва суянчи бўлган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкил этилганидан буён вилоятимизда улғаяётган тенгдошларим, ука-сингилларим билан ҳамжиҳатликда, ягона мақсад йўлида ишлаб келаямиз. Мени ғурурлантирадигани, дилга ифтихор бахш этадигани шуки, юртимиздан, вилоятимиздан ҳар куни бир иқтидор соҳиби юзага чиқади. Бу — тасодиф эмас, албатта. Бу мамлакатимизда биз, ёшларнинг истеъдодимизни намоён этишимиз, замонавий билимлар, касб-хунарларни пухта эгаллашимиз учун яратилган улкан имкониятлар самарасидир.

Ҳар куни ишга бораётиб, кўксимни тўлдириб нафас оламан. Тонгги шабада, кўкка чарақлаб ўрлаётган офтоб, юртдошларимиз чехрасидаги бахтиёрлик, бугунги кунимиздан розилик, талаба ука-сингилларим лабидидаги табасум кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшади. Мени янги-янги мақсадлар сари дадил ҳаракатга ундайди.

Азамат ДАРХОНОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати
Жиззах вилояти кенгаши раиси



4-, 5-бетларга қаранг

Истиқлол — абадий, истиқлол шуқуҳи — бебаҳо

Мустақиллик — энг улуг, энг азиз неъмат. Бугун биз эришган, эришажак юксак марралар, руҳ ва дил тантанаси, озод ва обод Ватанимиз манзаралари, аввало, истиқлол шарофатидандир. Шу боис халқимиз ҳар йили мустақиллик байрамини ўзгача шуқуҳ, меҳр-муҳаббат, ҳуш кайфият билан кутиб олади. Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг 22 йиллигини муносиб қаршилашга қизғин тайёргарлик ишлари бошланди. Муҳтарам Президентимизнинг жорий йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур қарор мазмун-моҳияти ва истиқлол берган улуг неъматлар ҳақида Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбари, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фулом Мирзаев билан «Туркiston-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбири суҳбатда бўлди.

— Президентимиз томонидан 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорнинг мазмун-моҳияти ҳақида гапирганда, авваламбор, бир яққол ҳақиқатни таъкидлаб ўтишимиз лозим, — дейди Фулом Мирзаев. — Яъни, ўзининг неча минг йиллик кўҳна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон

мустақиллиги — ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган энг улуг, энг азиз сана сифатида, кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода, оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолади.

Шу маънода, энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик кунини кенг нишонлаш истиқлол йилларида муҳим ижтимоий-сиёсий воқеага, қутлуг аъёнага айланиб қолди.

Ва ҳар йили бу улуг айёмга

тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда, кўтаринки руҳда нишонлаш учун давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қарор қабул қилиниши ҳам бу борадаги ишларимизни ҳар гал янги босқичга кўтаришга қаратилиши билан эътиборлидир.

Айни чоғда, бу йилги Қарорнинг олдинги йиллардагидан фарqli жihatлари шундан иборатки, Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ишлаб чиқиладиган Дастурда, аввало, қайси масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, аҳоли ўртасида ўтказиладиган тарғибот-ташвиқот ишларида қандай мавзуларни жонли суҳбат ва мулоқотларнинг асосий йўналиши деб белгилаш, мустақиллик деган буюк тарихий ҳодисанинг кадр-қиммати ва аҳамияти ҳақида фикр юритганда, айнан қандай муҳим мисолларга тўхталиш мақсадга мувофиқ экани, барча соҳаларда эришган ютуқ ва марраларимизни кенг оммага етказиш, ҳаётбахш ислохотларимизнинг маъно-мазмунини янада теран очиб бериш юзасидан мамлакатимиз раҳбари томонидан аниқ-равшан вазифалар белгилаб берилган.

(Давоми 3-бетда)

Ташкилотга амалиётчи келди...

Коллеж ўқувчиси ёки талаба олган билимларини биринчи қаерда намойиш этади? Салоҳияти нимада кўринади? Албатта, амалиётда. Бўлажак ёш мутахассиснинг нималарга қодирлиги, ишга бўлган муносабати, салоҳияти у амалиёт ўтаётган ташкилот ёки корхонада билинади.

Шу йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида таълим-тарбия ва амалиёт сифатини кўтариш, ўқувчилар даволатини ошириш, битирувчилар бандлигини таъминлаш, ушбу ишларда вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида»ги 102-сонли селектор мажлиси баёни асосида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ушбу режага киритилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Миробод компьютер технологиялари, Сергели политехника, Тошкент матбаа-ноширлик ҳамда Чилонзор матбаа касб-хунар коллежларида ўқувчилар билан ижодий уй ходимларининг учрашуви ташкил этилди.

Ўзма-юз, самимий суҳбат-

ларнинг самараси ҳам бошқача бўлади-да. Унда икки томон бир-бирини тинглайди, таклиф-мулоҳазалар билдирилади. Агар ўша таклиф ва мулоҳазалар икки томоннинг ҳам манфаатига хизмат қилса, нур устига нур. Мазкур учрашувлар оддий суҳбат доирасидан чиқиб, икки томонлама ҳамкорлик келишувларига айланди. Ижодий уй мутахассис-ходимлари коллеж ўқувчиларини қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди, касб юзасидан зарур маслаҳатлар беришди. Ҳомийлик тариқасида ҳар бир касб-хунар коллежига 500 000 сўмлик бадиий адабиётлар, ўқув қўлланмалари тақдим этилди. Айниқса, Чилонзор матбаа касб-хунар коллежига амалий дарсларда фойдаланиш учун «Райоби-3200» PFA 1+1 буюкли босма машинасининг тухфа қилиниши коллеж ўқитувчи ва ўқувчиларини қувонтирди.

Бириктирилган касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ижодий уй босмахонасида амалиёт ўташлари учун барча ша-



роитлар яратилган. Улар бу даргоҳда нафақат иш ўрганишади, балки билимларини янада мустаҳкамлашади, ҳафтада бир марта ижодий уйнинг маънавий ва маърифат хонасида ташкил этиладиган учрашувлар эса, уларнинг касбий маҳоратларининг янада ошишига хизмат қилади. Амалиёт жараёни «устоз-шогирд» тизими асосида кечади, унга кўра, ҳар беш нафар амалиётчи-ўқувчига бир нафар масъул устоз белгиланган.

Ижодий уйда амалиёт ўтаётган Тошкент матбаа-ношир-

лик ва Чилонзор матбаа касб-хунар коллежларининг битирувчиларига кунига бир маҳал иссиқ овқат берилади, кам таъминланган оила фарзандлари йўл чиптаси билан таъминланади. Битирувчи ўқувчиларнинг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш йўлга қўйилиб, амалиёт давомида алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларга энг кам иш ҳақи миқдоридан мукофот жорий этилган.

Бугунги кунда Тошкент матбаа-ноширлик ва Чилонзор матбаа касб-хунар коллежининг олтмиш нафарга яқин

ўқувчилари Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида ишлаб чиқариш амалиётини ўтамоқда ва уларни иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш фаолиятига жалб қилиш учун бу ерда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Битирувчиларни ишга қабул қилиш бўйича уч томонлама шартномалар тузилган.

Сайёра БҮРИЕВА,
Фафур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий
уйининг кадрлар бўлими
бошлиғи

Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik

Арзон, қулай ва сифатли

Мамлакатимизда бугун ҳар соҳада юксалишлар бўй кўрсатяпти. Тадбиркор ва ишбилармонларга имкониятлар яратилиб, кенг йўл очилди. Кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга қатъий эътибор қаратилаётгани ўз самарасини берапти. Бугун қайси бир тадбиркор билан суҳбатлашманг, истиқлол берган неъматлардан — имтиёз ва имкониятлардан мамнун экани, юрт қорига камарбаста бўла олаётганидан ўзида ифтихор туяётганини ҳис қиласиз.



«Navoiy Fayz Mebel» масъулияти чекланган жамиятида ҳам ёш тадбиркорлар фаолият юритиб, юртимизда мебелсозлик соҳасини ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келишяпти.

2011 йилда иш фаолиятини бошлаган корхона дастлаб ОАТ «Алоқабанк»дан станок ва зарур асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 60 миллион сўм, кейинчалик маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида 90 миллион сўм кредит маблағи олди. Қутилган натижалар самарали бўлди. Корхонада тайёрланаётган офис ва уй жиҳозлари ҳамда турли ташкилот ва корхоналар учун мўлжалланган, юрtdошларимиз эҳтиёжига мос мебел маҳсулотларига талаб кундан-кун ортиб борапти.

— Асосий хомашёни Қашқадарё вилоятининг Қарши туманидаги «Wood decor production» МЧЖ қўшма корхонасидан оламиз. Ҳамкорлигимиз яхши самара берапти, — дейди корхона раҳбари Азамат Ҳожиёв. — Дастлабки йилда 54 миллион 205 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб сотган бўлсак, 2012 йилда 242 миллион 519 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, сотишга эришдик. Жорий Обод турмуш йилидаги дастлабки икки ой давомида яна аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб ишлаб чиқарган 84 миллион сўмлик маҳсулотимиз мижозларга етказиб берилди.

Корхонада, асосан, ўз ишининг устаси бўлган шижоатли ёшлар меҳнат қилади. Қўлигул ёшлар тайёрлаётган замонавий жиҳозларнинг аҳолига манзур бўлаётганлигини, маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг тобора ортиб бораётганлигидан ҳам билса бўлади.

— Маҳсулотларга замонавий кўриниш ва сайқал беришда Хитойдан келтирилган «Henter» фрезер аппарати ва бошқа дастгоҳлар ишимиз унумдорлигини оширмоқда, — дейди корхона иш бошқарувчиси Обид Ҳакимов. — Арзон, қулай ва сифатли мебелларни ишлаб чиқаришда хомашё ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мебел фурнитуралари, ДСП, ДВП, МДФ, акрил МДФ ва бошқа шу каби зарур хомашёларнинг сифатига эътибор бериш лозим.

Қисқа фурсат ичида доимий изланишда бўлган корхона жамоаси бир қатор ютуқларни қўлга киритди. Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2013» республика кўриктанловининг вилоят босқичида қатнашиб, «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 1-ўрин ва 1-даражали диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Халқимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлиги учун меҳнат қилиб, тадбиркорликда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бораётган «Navoiy Fayz Mebel» корхонаси жамоасининг режалари улкан. Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, янада кўпроқ янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган. Яхши иш яхши ниятдан ҳосил бўлади. «Navoiy Fayz Mebel» корхонасида нозик дид билан ишлаб чиқарилаётган мебеллар юрtdошларимиз хонадонларига кўрк ва файз, кўнгиллариغا завқ бахш этмоқда.

Майсара НАЗАРОВА,
«Turkiston» мухбири

Qonun ustuvorligi

Қонуний рўйхатдан ўтиб, тадбиркорлик билан шуғулланаётган юрtdошларимиз орасида баъзан ноқонуний йўл билан даромад орттириш мақсадида сохта тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар ҳам учраб туради.

Ноқонуний фаолият фош қилинди

Савдо марказларида турли-туман кўшиқлар ва фильмлар ёзилган дисклар савдоси билан шуғулланаётган кишиларни учратиб қоламиз. Расталарни тўлдириб турган бундай сифатсиз маҳсулотлар аксарият ҳолларда ноқонуний йўллар билан бозорларга келтирилмоқда. Қашқадарё вилоят солиқ бошқармаси ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бундай ҳолатларга чек қўйиш мақсадида зарур чораларни кўрмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 29 июндаги «Гастроль концерт фаолияти соҳасида солиқ солиш ва аудио-видео кассеталарни тарқатишни такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан вилоят миқёсида ҳам қатор ишлар қилинмоқда.

Жорий йилнинг 1 июнигача вилоят бўйича 146 та ҳолатда ҳеч қандай лицензия ва рухсатномасиз ноқонуний дисклар савдоси билан шуғулланаётган шахслар аниқланган. Улардан салкам ўттиз уч мингта, яъни ўттиз етти миллион беш юз ўн минг сўмлик аудио, видео ва лазер CD, DVD, MP3 дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Афсуски, бундай ҳолатлар вилоятнинг деярли барча туманларида кузатилади. Масалан, Китоб туманида истиқомат қилувчи фуқаро Р. Ҳамидов (исмлар шартли ўзгартирилган) қонуний тадбиркорлик фаолиятига рухсат берувчи ҳужжатларсиз дисклар савдоси билан ноқонуний шуғулланиб келган. Мавжуд текширувлар жараёнида ушбу фуқародан 781 дона, яъни 154 минг сўмлик ҳар хил турдаги дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Косон туманидаги Мўдин қишлоғида истиқомат қилувчи фуқаро Жасур Ҳамроев ҳам мўмай даромад топиш мақсадида ноқонуний савдо фаолияти олиб борган. У савдо қилаётган расталардан 261 та, яъни бир юз ўттиз минг беш юз сўмлик аудио, видео дисклар мусодара қилинди.

Қашқадарё вилоятидаги барча туман давлат солиқ инспекциялари ходимлари томонидан ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги барча аудио, видео, кино маҳсулотларидан нусха кўчириш, уларни сотиш ва ижарага бериш билан шуғулланувчи ҳужалик субъектлари ва уларга қарашли шохобчалар фаолияти ўрганиб чиқилиб, аниқланган контрафакт маҳсулотлари белгиланган тартибда савдодан олиб қўйилди.

Рустам АНДАЕВ,
Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими.
Акбарали ХУДОЙБЕРДИЕВ,
журналист

